

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган


E-mail: uzss@inbox.ru

2007 йил 14-20 август

№ 32 (548)

Сешанба кунлари чиқади

Келажак овози — 2007



ЯНГИ ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИНИ КАШФ ЭТИБ

Юртимизда ёшларни соғлом ва ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш мамлакатимиз сиёсатининг усувор вазифаларидан бири саналади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган кўплаб дастурлар, жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сингари истикболли лойиҳаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ёшлар фаолиятига бўлган эътиборнинг бир кўринишидир.

Айниқса, таълим соҳасидаги ислохотлар ёшларга мукамал таълим-тарбия бериш билан бирга уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли десак ҳато бўлмайди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ана шундай масъулиятли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган жамоат ташкилотларидан бири. Жамғарма ташаббуси билан турли интеллектуал беллашувлар, олимпиадалар, курғазмалар, «Янги авлод», «Келажак овози» сингари танловларни мунтазам ўтказиб бориш анъанасига айланган. Ушбу тадбирлар юртимиз ёшларида катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг истеъдод бора-сидаги қобилиятларини намойиш этишда асосий роль ўйнамоқда. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этадиган «Келажак овози» танловининг энг муҳим жиҳатларидан бири — номинациялар бугунги кун ёшларини қизиқтираётган қарийб барча йўналишларни ўз ичига камраб олган. Жумладан, «Тасвирий ва амалий санъат», «Ахборот ва коммуникация технологиялари», «Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Ижтимоий лойиҳа ва бизнес режалар», «Бадий ижод» ва «Архитектура ва дизайн» сингари номинацияларда мана уч йилдирки, истеъдодли ёшлар иштирок этиб келади. Қарийб шу вақт ичида қанчадан-қанча ёшларимиз танлов ғолиблари бўлишиб, уларнинг яратувчанлик маҳоратлари қайтадан кашф этилди, бир сўз билан айтганда ноёб қобилият эгалари республикамизнинг турли ҳудудларидан танлаб олинди, тадбирда тақдим этилган лойиҳалар қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилди.

Бу йил ҳам ушбу анъана давом этган ҳолда, иштирокчилар сони ҳар йилгидан кўра икки-уч баробарга ортди. Жорий йилнинг 13-15 август кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Келажак овози — 2007» Республика иқтидорли ёшлар танловининг Тошкент вилояти ва шаҳар бўйича босқичлари тегишли давлат муассасаларида ўйлиб ўтади. Уйлаимизки, танлов иштирокчилари навбатдаги босқичларда ҳам ўз салоҳият ва маҳоратлари билан фаол иштирок этадилар.

Намоз ТОЛИПОВ.

(Тадбир тўғрисидаги материаллар билан газетанинг келгуси сонларида танишасиз).

КЕЛГУСИ СОҢЛАРДА:



ЮКСАК ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз эътиборидаги вазифа экан, бу йўлда амалга оширилаётган самарали ишлар ҳар бир кишини, табиийки, қувонтиради.

Истиқлол йилларининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти: фикр-мулоҳазалар давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига

16 ЙИЛ



Озод юртининг соғлом фарзандлари ҳамда мустахкам оила кўргонидаги тотувлик истиклолнинг тотли неъматидир.

РАЗДУМЬЯ О ЗАВТРАШНЕМ ДНЕ

Семья — это ячейка общества. Благополучие и процветание Государства зависит от спокойствия и взаимопонимания, царящих в семьях.

Семья подобна молодому росту. Чем больше любви и заботы мы уделяем ей, тем стабильнее и прочнее благополучие нашей Родины. Важность семьи для развития государства заключается в бесценной и незаменимой функции — рождении и воспитании молодого, гармонично развитого поколения. Наши дети, которые в ближайшем будущем станут надежной опорой своим родителям и Родине, должны расти в благополучной и спокойной среде, не зная нужды и лишений.

В связи с этим, 18 мая текущего года был принят Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по материальной и моральной поддержке молодых семей». Данный Указ еще раз свидетельствует о любви и активном участии правительства

страны в жизни каждого ее гражданина. Создание необходимых условий для трудоузанности и формирования у молодых семей стабильных источников доходов на основе создания новых рабочих мест в каждом регионе республики, активное привлечение молодежи в малый бизнес и предпринимательство, выделение молодым семьям микрокредитов для организации собственного дела, развития надомного труда, оказание поддержки в приобретении или строительстве жилья, обустройство домашнего хозяйства путем широкого предоставления им ипотечных и потребительских кредитов, все это учтено в данном указе. Для осуществления данных целей в дело активно вовлекаются коммерческие банки, органы самоуправления граждан, Общественное движение молодежи «Камолот»,

Центр просветительства и духовности, Фонд «Махалля», Центр «Оила», а также другие негосударственные некоммерческие организации. Огромную роль в пропаганде данных мероприятий среди населения играют и средства массовой информации, через которые мы получаем четкую и обширную информацию о событиях, происходящих вокруг нас.

Сегодня, пользуясь всеми предоставленными возможностями, наша молодежь имеет все шансы для реализации своих планов и идей, главной целью которых является стать достойными сынами своей Родины. И пусть семья, в которой царит вечный мир и согласие, шагает и развивается в ногу со временем, пользуясь благами, предоставленными правительством Узбекистана.

Аделина ЛЮБЧИЧ,
директор
Республиканского
перинатального центра.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2007 йил 20 июль

№ 322

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 20 июлдаги 322-сонли буйруғига 1-илова

“КЛИНИК ОРДИНАТУРА ТЎҒРИСИДА”ГИ МУВАҚҚАТ НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги қонуналарга мувофиқ кадрларни тайёрлаш, уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, касбий билим ва кўникмаларни янгилаш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган.

Маъзур Низом клиник ординатуранинг ташкил этиш, аниқ ихтисослик бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини; клиник ординаторларни тайёрлаш бўйича масъул муассасаларнинг: олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, илмий текшириш институти ва уларнинг филиаллари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар, шунингдек филиалларнинг вазифа, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Клиник ординаторларни тайёрловчи муассасалар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Умумий тушуналар

1. Клиник ординатура – қайта тайёрлаш таълим турига (дипломдан кейинги таълим), қарашли бўлиб, врачларни тор мутахассис тайёрлаш, уларни касбий билим ва кўникмаларини ўзлаштириш ҳамда чуқурлаштиришга йўналтирилган. Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, илмий текшириш институти ва уларнинг филиаллари, Ихтисослаштирилган ва Илмий марказлар, шунингдек уларнинг филиалларида аниқ мутахассислик бўйича амалий билим берадиган врач квалификацияси кўрсатилган диплом негизда қабул қилинади.

Олий таълим муассасалари, Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, Илмий текшириш институти, Ихтисослаштирилган ва Илмий марказлар, шунингдек уларнинг филиаллари, Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, клиник ординатура фаолиятини ташкил этиш Умумий қоидалар

2. Клиник ординатурада ўқиш илмий ва илмий-педагог кадрлар салоҳияти, моддий-техник базиси, илмий мактаби ва замонавий клиник ҳамда лаборатория базалари бўлган муассасаларда олиб борилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида врачлик мутахассисликлари ва лавозимлари номенклатураси асосида ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда клиник ординатура мутахассисликлари рўйхати тасдиқланади.

4. Клиник ординатурада ўқиш ҳар бир мутахассислик бўйича давлат талабларига мувофиқ ўрнатилган тартибда аккредитациядан ўтган ўқув дастурлар асосида амалга оширилади. Дастурга клиник ординаторлар билиши керак бўлган амалий кўникмалар рўйхати илова қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вазирлик тасарруфидagi муассасалар билан ҳамкорликда ҳар йили клиник ординаторларнинг битирув якуналарини кўриб чиқади. Клиник ординаторларни тайёрлаш қониксарсиз (моддий-техник базаси, малакали илмий кадрлар салоҳияти, клиник ординаторларнинг билим натижалари етарли бўлмаса) деб топилган муассасаларда клиник ординаторларни тайёрлаш тўхтатилади.

6. Клиник ординатура орқали тор мута-

хассисларни тайёрлаш мuddати икки йил деб белгиланиб, ушбу мuddат умумий ва врачлик меҳнат стажига қўшилади.

7. Клиник ординаторларни тайёрлаш мақсадида, улар профессор-ўқитувчиларга (ИТИ ва марказларда малакали илмий ходимлар – т.ф.д., т.ф.н.) бириктирилади. Ҳар бир раҳбарга клиник ординаторлар сони бир ўқув йилига 2 тадан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бириктирилган клиник ординаторлар сони ортган ҳолларда, ОТИ, ИТИ ва марказлар илмий кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва қарор билан тасдиқланади (ушбу ҳолларда ўқув юкланмиси тўлов ҳақи йилига 100 соатдан ошмаслиги керак).

Ҳар бир клиник ординаторни тайёрловчи раҳбарга ўқув юкланмиси бир йилга 50 соат деб белгиланади ва профессор-ўқитувчи ва илмий ходимларга шу ҳисобдан ҳақ тўланади.

8. Клиник ординатурада тўлов-контракт асосида ўқиш ушбу Низомнинг ҳамма бандларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Клиник ординатурага мутахассисликлар бўйича ўринлар сони (шу жумладан контракт асосида) Соғлиқни сақлаш тизимида мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда вазирлик томонидан аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун алоҳида ўринлар квотаси ажратилади. Квота бўйича берилган ўринларга ҳар бир вилоят учун алоҳида танлов ташкил этилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятда яшовчи врач иштирок этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошликлари клиник ординатурага танловда иштирок этиш учун туманлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, режада кўрсатилган ўринлар квотаси доирасида врачларни жалб этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатурага ажратилган ўринлар тўлдирилмаса, бўш қолган ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва тааллуқли вилоятлар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан биринчи навбатда эҳтиёж бўлган мутахассисликлар бўйича қайта тақсимланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келиб, Тошкент шаҳрида танловда юқори кўрсаткичга эга бўлган врачлар бириктирилган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ОТИларида ўқиш истагини билдирган ҳолларида улар вилоят квотаси доирасида тааллуқли вилоятларга юборилади.

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ҚАБУЛ

10. Клиник ординатурага 35 ёшга бўлган врачлар танлов асосида қабул қилинади.

Клиник ординатуранинг тугатган врачлар, бошқа мутахассислик бўйича иккинчи мартаба клиник ординатурага кириш истагини билдирган ҳолларда, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади ва танланган мутахассислиқнинг тўлиқ дастури бўйича тайёргарлик амалга оширилади. Иккинчи мутахассислик бўйича врачлар клиник ординатурага ёши чегараланмаган ҳолда танлов асосида қабул қилинади.

11. Мутахассис дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва давлат стипендиялари совриндорлари клиник ординатурага эълон қилинган бюджет ўринларга, айрим бюджет ўринлар эълон қилинмаган мутахассисликлар бўйича контракт ўринларга танловдан ташқари қабул қилинади. Институти имтиёзли диплом билан тугатган врачлар клиник ординатурага танлов асосида имтиёзли равишда қабул қилинади, яъни уларнинг кириш имтиҳонларида йиган балларига 10 фоиз қўшилади.

12. Умумий амалиёт врачлари ҳамда педиатрия, тиббий педагогика ва стоматология йўналишлари бўйича умумий врачлар (институт битирувчилари), шу

жумладан тўлиқ бир йил ва ундан ортиқ умумий иш стажига эга бўлган врачлар клиник ординатурага танлов олий таълим йўналиши бўйича грант ва контракт ўринларига умумий танлов асосида қабул қилинади.

13. Олий таълим муассасаларининг давлат грантлари асосидаги битирувчилари клиник ординатурага контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда ҳам клиник ординатурадан кейин уч йил ишлаб беришлари шарт.

14. Мақсадли (вилоятлар учун ажратилган ўринларга) клиник ординатурага танловдан ўтган ҳар бир номзод клиник ординатурага қабул қилувчи муассаса билан ўқишни битиргандан кейин ўзи келган вилоятда камиди 3 йил ишлаб бериш тўғрисида шартнома тузданидан сўнг клиник ординатурага қабул қилинади. Шу жумладан, грант асосида қабул қилинган мақсадли клиник ординаторлар ўзи келган вилоятга тақсимот асосида ишга юборилади ва улар ишга бормаган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида ҳал этилади.

15. Клиник ординатурага ҳужжатларни қабул қилиш оммавий ахборот воситаларидаги эълонларга биноан (эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда) ҳар йили Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, олий ўқув юртлири ва уларнинг филиаллари, илмий текшириш институти, Ихтисослаштирилган ва Илмий марказлар томонидан ўтказилади. Клиник ординатурага қабул қилиш учун олий таълим муассасаси ректори (проректори) ёки илмий муассаса раҳбари (ўринбосари) раислигида қабул комиссия ташкил этилади. Ҳар йили клиник ординатура қабули бўйича масъул қотибқолган номзодлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига мый оининг биринчи 10 кунлигида топширилин.

16. Вилоятлар учун кадрлар тайёрлаш мақсадида клиник ординатурага ажратилган мақсадли ўринлар квоталарига бириктирилган ОТИ, илмий текшириш институти ва марказларда танлов ўтказилади. Вилоятлар ўринлари квоталарига ушбу вилоятларда яшовчи врачлар ва бошқа вилоятлардан келган врачлар (ушбу вилоятга бориб 3 йил ишлаш шартномаси асосида) танловда иштирок этиши мумкин.

17. Клиник ординатурага танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) муассаса раҳбари номига клиник ординатурага танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза;

б) 6х4 ўлчамдаги фотосурат ва ходимларнинг ҳисобга олиш варақаси (сўрновно) иш жойидан тасдиқланган (институт битирувчилари учун тасдиқланмаган);

в) охириги иш жойидан тавсифнома (иш стажига эга бўлганлар учун);

г) таржима ҳол;

д) клиник ординатурага кирувчиларнинг паспорти, дипломи (грант асосида битирувчилар учун маълумотнома ва баҳолар кўрсатилган варақанинг асл нусхаси), дипломига қўшимча баҳолар кўрсатилган варақа, ҳарбий билети, меҳнат дафтарчасининг (иш стажига эга бўлганлар учун) асл нусхаси тақдим этилади ҳамда ссеровнаси топирилади;

е) 6х4 ўлчамдаги фотосурат (паспорт учун) 4 та;

и) тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома (086-у шакл).

18. Клиник ординатурага кириш учун танловда бир вақтинчи ўзида иккита ёки бир неча институтиларда иштирок этиш ман этилади.

19. Клиник ординатуранинг тугатган врачларни бошқа ихтисослик бўйича иккинчи мартаба клиник ординатурага кириш масаласи Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда кадрларга эҳтиёж бўлган мутахассисликлардан тўлиқ дастур бўйича тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

20. Клиник ординатурага қабул бўйи-

ча танлов комиссияси муассаса ректори (директор) томонидан тасдиқланган буйруқ асосида тузилади. Клиник ординатурага танлов ўтказиш учун олий таълим муассасасининг проректори ёки илмий муассаса раҳбари ўринбосари раислигида танлов комиссияси ташкил этилади. Комиссия таркибига танлов эълон қилинган мутахассисликлардан кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар ва етакчи мутахассислар кири-тилади.

21. Клиник ординатурага қабул икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич тиббий танч фанлар билимлари бўйича тест синовлари, иккинчи босқич махсус мутахассислик фанларидан оғзаки синов асосида ўтказилади. Мутахассислик бўйича якуний баҳони қўйишда қуйидаги улушлар қабул қилинади. Биринчи босқич баҳолари – 30 %, иккинчи босқич баҳолари – 70 % билим кўрсаткичлари деб қабул қилинади.

Мутахассислик бўйича якуний баҳони қўйишда қуйидаги улушлар қабул қилинади. Биринчи босқич баҳолари – 30 %, иккинчи босқич баҳолари – 70 % билим кўрсаткичлари деб қабул қилинади.

22. Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, ОТИ, Ихтисослаштирилган ва Илмий марказ ва уларнинг филиаллари раҳбарлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига танловдан олдин 10 кун мuddат ичида 1-иловада келтирилган шакл бўйича танловда иштирок этганлар рўйхати топширилади.

23. Танлов бўлмаган айрим мутахассисликлар ўринлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, клиник ординаторларни тайёрловчи бошқа муассасаларга қайта тақсимланади. Ўринларни қайта тақсимлашда биринчи навбатда кадрлар танқис бўлган мутахассисликлар бўйича қабул режасини тўлиқ бажарган муассасалар эҳтиёжи инобатга олинади.

24. Клиник ординатурага ажратилган ўринлар режасига мувофиқ танлов комиссиясининг ҳулосаси асосида, Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, ОТИ, ИТИ, марказ ва уларнинг филиаллари раҳбари буйруғи билан қабул бир йилда бир марта 3 сентябрга қадар амалга оширилади. Тўлов-контракт асосида қабул қилинган клиник ординатор (контрактни амалга оширувчи томон) – Тошкент Врчлар малакасини ошириш институти, ОТИ, ИТИ, марказ ва уларнинг филиаллари билан шартнома тузданидан сўнг клиник ординатурага қабул қилинади.

25. Клиник ординатурага қабул якунлангандан сўнг институт, марказлар раҳбарияти 10 кун мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлигига врачларни клиник ординатурага қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини ва ҳисоботни тақдим этади. Шунингдек, айрим мутахассисликлардан етарли даражада танловда иштирок этувчилар бўлмаганлиги ёки умуман иштиратилмаган қолган ўринлар тўғрисида маълумот топширилади.

26. Ўқиш мобайнида шахсий ўқув-режани ўрнатилган мuddатда бажармаган, шунингдек жами 30 кундан ортиқ узрсиз сабабларга кўра ўқишга келмаган клиник ординаторлар (шу жумладан мақсадли) ректор (директор) буйруғи билан ўқишдан четлаштирилади. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва уларни йўллаган муассаса раҳбарига институт томонидан маълумот берилади. Ўқишдан четлаштирилган клиник ординаторларнинг ўқишни тиклаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Улар клиник ординатурага кириш учун такроран танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2007 йил 20 июль

№ 322

Тошкент шаҳри

КЛИНИК ОРДИНАТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

27. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонуниларига биноан клиник ординатурага кирган врачларни муассаса раҳбарлари ишдан бўшатишлари керак. Врачлари ишдан бўшатишга ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси ва клиник ординатурага қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси асос бўлади.

28. Врачлар клиник ординатурага қабул қилинган кундан бошлаб уларга стипендия тайинланади. Клик ординаторлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонуниларига биноан 30 календар кундан иборат ҳақ тўланадиган таътилдан фойдаланадилар ва бу муддат врачлик меҳнат стажига қўйилади.

29. Контракт асосида қабул қилинган клиник ординаторларни тўлов-контракт маблағининг ҳажми ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланади.

30. Бошқа шахарлардан келган клиник ординаторлар ОТМ, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти томонидан ётоқхона билан ўрнатилган тартибда таъминланадилар. Илмий текшириш институти ва марказлар клиник ординаторлари ОТМ, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти билан тузилган шартнома асосида ётоқхона билан ўрнатилган тартибда таъминланадилар.

31. Клик ординатурада ўқиш мобайнида ижтимоий таътилга чиқиб, клиник ординаторни 1 ойдан ортиқ касал бўлиш ҳолларида тегишли тиббий ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, ректор буйруғи билан ўқиш муддати узайтирилади. Клик ординаторларни тайёрловчи муассаса Соғлиқни сақлаш вазирлиги клиник ординаторни ўқиш муддати узайтирилганлиги ҳақидаги буйруқни тақдим этади. Ижтимоий таътил (бола парвариши бўйича) ёки касаллик туфайли бир йилга академик таътил берилган клиник ординатор календарь йили бўйича ўқишни давом эттиради. Агар ижтимоий таътил 1 йилдан ортиқ бўлган ҳолларда клиник ординатурада ўқиш янги йилдан бошланади.

32. Клик ординатурада ўқиш муддати узайтирилганлиги муносабати билан сарф-харажатлар амалдаги қонунчилик асосида олиб борилади.

33. Клик ординаторларни бир муассасадан иккинчи муассасага ўтказиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

34. Клик ординаторларни тугатган врачларга ўрнатилган тартибда гувоҳнома (диплом) берилади.

35. Клик ординаторларни ўқитиш юқори малакали мутахассислар (про-

фессор, доцент ва ушбу унвонга тенглаштирилган лавозим) раҳбарлиги остида шахсий ўзлаштириш режаси асосида олиб борилади. Шахсий ўқув режа клиник ординатор ва уни тайёрлаш учун масъул кафедра (бўлим, лаборатория) ходими томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра (бўлим, лаборатория) йиғилишида муҳокама қилинади. Муҳокамадан ўтган клиник ординаторнинг шахсий режаси кафедра (бўлим, лаборатория) мудири томонидан клиник ординатор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кўп бўлмаган муддатда тасдиқланади.

Шахсий ўзлаштириш режаси клиник ординаторнинг тайёргарлик даражасидан ва ушбу Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли мутахассислик бўйича тасдиқланган дастур асосида ишлаб чиқилади.

36. Клик ординаторларнинг шахсий ўзлаштириш режаси қуйидагилардан иборат:

- поликлиника, стационар (аёллар маслаҳатхонаси, даволаш-таъхис хоналар, бўлимлар ва лабораториялар ва ҳоказо)ларда ишлаш;
- қуйидагиларда иштирок этиш:
- профессор ва доцентлар томонидан беморларни кўриш жараёнида;
- клиник таҳлилларда;
- мутахассисликнинг асосий бўлимлари ва қўшимча фанларга бағишланган махсус семинарларда;
- клиник ва патологоанатомик конференцияларда;
- кафедра (бўлим, лаборатория) йиғилишларида;
- стационар ва қабул бўлими бўйича масъул врач (кафедра ўқитувчиси) ёрдамчиси сифатида бир ойда 2 мартадан 12 соатдан навбатчилик қилиш. Бунда бир ойлик умумий иш соати ушбу врач мутахассислиги бўйича ўрнатилган ойлик юкланма нормативидан ошиши керак эмас. Бир ойда икки мартадан ортиқ навбатчилик қилишга тўғри келганда (хирургия, акушерлик ва гинекология ва бошқалар) навбатчилик қунари клиник ординатор ўқишдан озод қилинади;

- ўқув маърузаларида қатнашиш;

- мурдаларни ёришда иштирок этиш;

- соғлиқни сақлаш иқтисодиёти ва бошқарувини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш масалаларини ўрганиш;

- ташхисдаги хатолар, беморлар ўлими сабаблари ва таҳлили, ҳисоботларни тузиш ва бошқаларни ўрганиш;

- кафедра (лаборатория, бўлим)да раҳбар билан шахсий ўзлаштириш режасига тааллуқли барча ишларда иштирок этиш;

- ҳар ярим йилда кафедрада ҳисобот топшириш;

- ўқув йилининг охирида дастур бўйича тайёргарлик ўтилган ҳамма бўлимлар бўйича аттестация ўтиш. Йиллик аттестация ҳужжатлари институт (факультет), ИТИ, марказ ва филиаллар томонидан тузилган комиссия таҳлил қилади ва ректор (директор) томонидан тасдиқланади;

- иккинчи ўқув йилининг охирида (июнь-июль ойларида) мутахассислик бўйича якуний давлат аттестацияси ўтказилади. Якуний давлат аттестация комиссиясининг раиси ва масъул котиблар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида тасдиқланади.

Институт илмий кенгашида клиник ординаторларни тайёрлаш ҳолати ва Якуний давлат аттестация комиссиясининг қарори ўқиб эшиттирилади.

37. Клик ординаторларнинг билими ва илмий қўникмаларини кенгайтириш мақсадида уларни илмий ишга жалб этиш мумкин (рефератлар тузиш, адабиётлар таҳлили, тиббиёт амалиётидаги айрим ҳолатларни ёритиш, янги дори воситаларини синовдан ўтказиш ва бошқалар).

38. Клик ординаторнинг шахсий ўзлаштириш режасида мутахассисликнинг асосий бўлимлари бўйича даволаш-профилактика муассасаларида ротация орқали жадвал асосида ўзлаштирилади.

39. Клик ординатурада ўқиш жараёнида клиник ординаторларнинг билим ва малакаларини баҳолашда кафедра педагогик жамоасининг танлови бўйича 100 баллик рейтинг баҳолаш тизими қўлланилади.

Ўқиш тугагандан кейин рейтинг назорати ва аттестация натижаларига кўра клиник ординаторларни кейинги йилга ўтказиш (ўтказмаслик) ёки тугатганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

40. Клик ординаторлар қонунчиликда белгиланган ҳоллардан ташқари бутун ўқиш даври давомида врачлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилинмайдилар.

41. Клик ординатура орқали му-

тахассисларни тайёрлаш маъсулияти кафедра (бўлим, лаборатория) мудирига юклатилади.

ЎҚУВ СОАТЛАРИ ТАКСИМОТИ

42. Клик ординаторнинг йўналиши ва тайёрлаш дастуридан келиб чиққан ҳолда қўшимча фанларни ўрганишга бир йиллик асосий ўқиш соатининг 20 фоизи ажратилади (7-илова).

43. Профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан ёндош фанларни ўргатишга сарфланган вақт бир кунга уч академик соат педагогик юкланма деб ўрнатилади.

ЎҚИШ ТУГАГАНДАН СЎНГ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКСИМЛАШ

44. Мақсадли клиник ординатурани тугатган врачлар уларни йўллаган Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари ихтиёрига қамда 3 йил ишлаб бериш мажбурияти билан жўнатилади. Мақсадли клиник ординаторга клиник ординатура тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма берилади. Мақсадли клиник ординаторлар тақсимо-мот бўйича уч йил ишлаб бергандан сўнг унга клиник ординаторни тайёрлаш муассаса томонидан бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасига мувофиқ гувоҳноманинг асл нусхаси берилади.

45. Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, ОУЮ, ИТИ, марказлар ва уларнинг филиаллари раҳбарияти Соғлиқни сақлаш вазирлигига клиник ординатурани тугатиши режалаштирилган врачлар тўғрисидаги маълумотни ҳисобот йилининг 10 апрелига қадар, шунингдек клиник ординатурани тугатгандан сўнг 10 кунлик муддатда уларни ишга юборилганлиги тўғрисидаги якуний умумий ҳисобот маълумотини Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиши керак.

7-илова

Клик ординатурани тайёрлаш соатларининг ўртача тақсимооти (48 ҳафта - 1920 соат)

Фанлар	Соатлар ҳажми					
	Терапия йўналиши		Хирургия йўналиши		Педиатрия йўналиши	
	1 йил	2 йил	1 йил	2 йил	1 йил	2 йил
Асосий мутахассислик	1630	1490	1510	1562	1520	1552
Ёндош фанлар	236	376	356	304	346	214
Илмий йўналиш	54	54	54	54	54	54
Жами	1920	1920	1920	1920	1920	1920

Эслатма: 1. Клик ординаторлар икки йил мобайнида "Миллий истиқлол Ҳаёти" фани бўйича умумий 108 соат (72 аудитор) ўқитилади. 2. Илмий текшириш институти ва марказлар директорлари Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ва олий ўқув юртиларида клиник ординаторларга «Миллий истиқлол Ҳаёти» фанини ўқитиш мақсадида шартнома тузадилар.

Реформирование здравоохранения и перестройка системы обслуживания больных на догоспитальном этапе по принципу семейной поликлиники (СП) способствует резкому качественному изменению медицинских услуг населению в нашей республике. Это, в свою очередь, приводит к интенсификации работы всех подразделений поликлиники, в том числе и физиотерапевтических отделений. В этих условиях особое значение приобретает знание и умение использовать в ежедневной практике таких дополнительных принципов деонтологии, как врач-больной ребенок, врач-родитель ребенка, врач-пожилой больной и т.д.

Биоэтика ДЕОНТОЛОГИЯ В ФИЗИОТЕРАПИИ В УСЛОВИЯХ СЕМЕЙНОЙ ПОЛИКЛИНИКИ

Большое значение в получении желаемого эффекта от лечения в условиях семейной поликлиники в настоящее время приобретает деонтологическая грамотность среднего и младшего звена, от которых во многом зависит психологический климат в отделении.

Необходимо учитывать и высокий образовательный уровень и информированность современного больного. Поэтому даже загадочность, скрытность врача при назначении процедур может негативно сказаться на результатах лечения.

С другой стороны, правильно расписанные врачом лечебные методики с

подробным объяснением индивидуальных ощущений больного могут не достигнуть цели в результате неумелого общения медсестер с детьми, родителями, отвлечение их посторонними разговорами с коллегами во время получения больными процедур, что серьезно нарушает основные принципы терапии.

Словом, в течение всего периода лечения, больной имеет дело со всем коллективом физиотерапевтического отделения. Это накладывает ответственность на врача за воспитание своих сотрудников, а на руководителя за ответственность распространяется за весь коллектив лечебного учреждения.

Все это подтверждает справедливость положения о том, что каким бы не было высоким техническое вооружение медицины, она остается медицинской личностью - врач лечит конкретного больного, зная его внутренний мир, его заботы и тревоги.

При лечении пациента, кроме знаний, нужны мудрость, терпение, сострадание, интуиция, на которые неспособна ни одна совершенная техника.

**А. ИБРАГИМОВ,
Ташкентская медицинская академия.**

Ротавирусли гастроэнтерит касаллиги – вирус кўзгатадиган бўлиб, кенг тарқалган, кўпинча болаларда учрайдиган, ўта юқувчан, оғиз орқали юқадиган, ошқозон ичак йўллари яллиғланиши, организм захарланиши ва сувсизланиши билан кечадиган ўткир юқумли ичак касаллигидир. Касалликни «реовирус» оиласига мансуб бўлган, РНК сакловчи ротавирус кўзгатади. «Рота» латинча сўз бўлиб, «гилдирак» ёки «айлана» деган маънони англатади. Ушбу касаллик биринчи бўлиб австриялик олимлар Р. Бишан, Г. Давидсон томонидан гастроэнтеритдан ўлган боланинг ўн икки бармоқли ичигидан кесиб олинган бўлаги ҳамда ичак суюқлиги электрон микроскоп ёрдамида текширилганда аниқланган.

Шунингдек, Т. Флевет ва А. Бруден одам ва ҳайвонларда гастроэнтеритларни келтириб чиқарадиган бир гуруҳ вирусларни ротавируслар деб номлашни таклиф этишган. Касаллик асосан одамда ва 60 тур ҳайвонда учрайдиган ротавирусларни бирлаштиради. Буюқ ва маймунларда учрайдиган касалликнинг антиген таркиби одамда учрайдиган ротавируслар антиген таркибига яқин. Шу боис, бу вируслар одамда учрайдиган гастроэнтеритларнинг этиологик ролини аниқлаш мақсадида иммуноре-агентлар ишлаб чиқишда фойдаланилади. Бугунги кунгача аниқланган барча ротавируслар 7 та серогруҳга бўлинган ва улар лотин ҳарфлари билан (А дан G гача) белгиланган, шулардан 4 таси (А, В, С, Е) тиббиётга тааллуқлидир. Ротавирус серогруҳларининг ҳар бири бир неча серотипларга бўлинган. Масалан, ротавирусларнинг «А» серогруҳи таркибида 25 та серотип мавжуд бўлиб, шуларнинг 17 таси одамларда учрайди ва улар ротавирус кўзгатадиган 80,0 фоиз касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ротавирусларнинг ҳар бир серотипи одамларнинг маълум ёшларидаги гуруҳларида касаллик келтириб чиқаради.

«А» серогруҳидаги ротавируслар асосан ёш болаларда, «С» серогруҳидаги ротавируслар катта ёшдаги болалар ва ўсмирларда ҳамда «В» серогруҳидаги ротавируслар катталарда учрайди.

Ротавирусли гастроэнтерит касаллиги дунёда энг кенг тарқалган ўткир юқумли ичак касалликларида бири ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотиغا кўра, дунёда ҳар йили қайд этилаётган 275 миллионга яқин ўткир диарея касаллигининг 17 миллиони ротавирусли юқумли касалликларга тўғри келади. Ушбу касаллик сабаб беморлардан 2 миллиони бевақт ҳаётдан кўз юмади. Россияда қайд этилаётган ўткир юқумли ичак касалликларининг 15,0 фоизини кўзгатувчилари ротавируслар эканлиги аниқланган.

Дунёда ротавируслар кўзгатадиган ўткир диареялар билан касалланиш ўлим респиратор инфекцияларидан кейинги ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти бу инфекцияни глобал тиббий муаммо сифатида тан олган. Мазкур касаллик (ротави-

русли гастроэнтерит) дунёнинг 5 та қитъасида рўйхатга олинган. Республикаимизда ўткир диарея касалликларининг қайд этилишида ротавирусларнинг этиологик роли тўлиқ ўрганилмаган, бугунги кунда олимларимиз томонидан шу йўналишда кенг қўламдаги илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ротавирусли инфекция муаммоси ўрганилаётган Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг маълумотиға кўра, шифохо-

дезинфекцияловчи ва ювувчи моддаларга сезгир. Ультраби-нафша нурлари, спирт ва фенол сакловчи дезинфекция моддалари ротавирусларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Вируснинг ташқи муҳитга чидамлилиги касаллик эпидемиологиясида муҳим аҳамият касб этади. Ротавирусли гастроэнтеритда касаллик манбаи бемор одам ва вирус ташувчилар ҳисобланади. Вирус ташувчилар ахлатидан

РОТАВИРУСЛИ ГАСТРОЭНТЕРИТ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

нага ўткир диарея ташхиси билан ётқизилган 5 ёшгача бўлган бемор болалар ўртасида 30-35 фоиз миқдорда ротавируслар аниқланган. Ротавирусли гастроэнтеритларнинг аксарияти (90 фоизга яқини) «А» серогруҳидаги ротавируслар билан боғлиқдир.

«В» серогруҳидаги ротавируслар камроқ тарқалган бўлиб, асосан ўсмир ёшдагилар ва катталарда касаллик кўзгатади. Бу ротавирус биринчи марта 1984 йилда Хитойда қайд этилган эпидемия пайтида (20 мингга яқин ҳолат рўйхатга олинган) аниқланган. Кейинчалик бу вирус Германия, Финляндия, Англия, Швеция ва Канада давлатларида ҳам кузатилган.

«С» серогруҳидаги ротавируслар кўзгатадиган гастроэнтеритлар «В» серогруҳидаги ротавируслар кўзгатадиган гастроэнтеритларга нисбатан кўп учрайди ва кенгроқ тарқалган. Ротавирусли гастроэнтеритга асосан ёш болалар (0-5 ёш) ва катта ёшдаги одамлар (60 ёшдан юқоридагилар) берилувчан бўлади. Бу ҳолат ёш болалар ва қариёларда касалликни қарши курашиш қобилиятининг нисбатан пастлиги билан боғлиқдир. Ротавируслар 5 ёшгача бўлган болаларда 40,0 фоиз, катта ёшдаги одамларда эса 36,0 фоиз ҳолатда бўлиши исботланган.

Юқорида таъкидланганидек, ротавирусли гастроэнтеритни ротавируслар кўзгатади. Бу вируслар ташқи муҳитга анча чидамли бўлиб, сувда 15 кундан 30 кунгача, ахлатда эса 7 ойгача тирик сақланади. Вируслар

70,0 фоизгача вирус ажралиши аниқланиб, улар касалликнинг келиб чиқиши ва тарқалишида асосий роль ўйнайди. Кичик ёшдаги бемор болаларнинг касаллик манбаи ҳисобланиб, бу ёшдаги болаларда ротавируслар уларнинг ахлати билан ташқи муҳитга жуда кўп миқдорда ажралади (1 г ахлат 10^{10} - 10^{11} тагача вирус саклайди). Бемор, айниқса касалликнинг биринчи кунлари эпидемиологик жиҳатдан хавфли ҳисобланади. Вирус беморлардан 7-8 кун давомида, айрим беморлардан эса 20-30 кунгача ажралиб туради. Ротавирусли гастроэнтерит фекал-орал (оғиз орқали) ва маиший мулоқот йўллари орқали юқеди. Касалликнинг асосий юқиш омили сув ҳисобланади. Ротавируслар водопровод сувларида сувни тозалаш жараёнигача ва ҳаттоки хлорлашдан кейин ҳам ажратилиши кузатилган. Айниқса, очиқ сув хавзалари (арик, канал ва кўлар) ҳоҳлатона чиқиндилари (фекал) билан ифлосланиши катта хавф туғдиради. Ротавирусли гастроэнтерит касаллиги даволаш-профилактика муассасаларида, хусусан болалар бўлимида нозокомиал (шифохона ичи инфекцияси) сифатида ҳам қайд этилиши мумкин.

Охириги йилларда айрим олимлар томонидан ротавирусли гастроэнтерит юқори нафас йўллари орқали юқиши (хаво-томчи, хаво-чанг) мумкинлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Гастроэнтерит билан оғриган беморлар томонидан суртма олиб, полимераза зан-

Кенг қатламли аҳоли учун

жирли реакцияси усулида текширилганда ротавируснинг геноми РНКси борлиги аниқланган.

Бундан ташқари ротавирусли гастроэнтерит билан оғриган беморларнинг аксариятида юқори нафас йўллари яллиғланиши (катарал) кузатилган. Беморларнинг 84,3 фоизда юқори нафас йўллари ҳамда ошқозон-ичак йўллари яллиғланишидан олдинроқ ёки бир пайтда юзага келиши табиий. Лекин шуларга қарамадан, ротавирусли гастроэнтеритда фекал-орал ва мулоқот йўллари касалликнинг асосий юқиш йўллари деб тан олинган. Ротавирусли гастроэнтерит касаллиги бошқа ўткир юқумли ичак касалликларига қараганда (вирусли гепатит А бундан мустасно) киши-бахорги мавсумийликка эга бўлиб, кўпроқ ёмғирли, салқин ойларида қайд этилади.

кўтарилади, бир неча бор қусадиги, организмнинг сувсизланиши ва шу ҳолат билан боғлиқ бўлган бошқа касаллик аломатлари қайд этилади. Айрим беморларда юқори нафас йўллари яллиғланиши катарал яллиғланиши ҳам кузатилади. Беморга эпидемия маълумотлари ҳамда лаборатория текшируви натижаларига қараб ташхис қўйлади. Бу касалликнинг диагностикасида лаборатория текшируви унйайди. Касалликнинг лаборатория диагностикасида вирусологик, серологик, шунингдек, замонавий усуллардан полимеразза занжирли реакциясидан фойдаланилади. Беморларни даволашда регидратация ва дезитоксикация дори-дармонлари қўлланилади, парҳез тайинланади. Беморларда дисбактериоз юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, антибиотиклар ишлатилмайди. Даволаш ишлари асосан беморлардаги сув-туз мувозанатини тиклаш ва дезитоксикация даволаш ишларига қаратилган бўлиши керак. Ротавирусли гастроэнтеритларнинг олдини олиш чора-тадбирлари барча ўткир юқумли ичак касалликларидан унмий ҳисобланади.

Аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудудларда намунали санитария тозаллигига эришиш, водопровод ва канализация иншоотларининг ишларини санитария талаблари асосида ташкил этиш, очиқ сув хавзалари, айниқса, ахлат (фекал) билан ифлосланишига йўл қўймаслик, аҳолининг санитария маданиятини кўтариш, барча эпидемиологик аҳамиятга молик объектлар фаолиятлари устидан мунтазам ва таъсирчан санитария-эпидемиология назоратини ўрнатиш аҳоли ўртасида ўткир юқумли ичак касалликлари, жумладан ротавирусли гастроэнтеритнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ротавирусли гастроэнтерит асосан 5 ёшгача бўлган болаларда учрашини инобатга олиб, чора-тадбирлар кўпроқ айнан шу ёшдаги болалар ўртасидаги ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишга қаратилмоғи лозим. Кўрак ёшдаги болаларга ротавирусли гастроэнтеритнинг олдини олишда кўрак сутининг аҳамияти каттадир.

Бугунги кунда профилактикаси ишлаб чиқилган ва ротавирусли гастроэнтеритга қарши вакциналар қатор давлатларда қўлланилаётган бўлимоқда. Олимлар ва соҳа мутахассисларининг таҳлил натижаларига кўра, ротавирусли гастроэнтеритга қарши ишлатилаётган вакциналарнинг эмлаш самараси 82,0-90,0 фоизни ташкил этади.

Хусан САПАРОВ,
Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

Благодарность

ВЕРА ВО ВРАЧА – ЦЕННЕЙШЕЕ ЛЕКАРСТВО

Центральная Клиническая больница Государственной акционерной железнодорожной компании «Ўзбекистон темир йўллари» (ГАОК) является одним из ведущих медицинских учреждений, главное достижение которого – это успешное лечение пациентов, поступающих сюда.

Обратившись в больницу по состоянию здоровья, я ещё раз убедился в правдивости вышеперечисленного. В больнице, состоящей из 9 отделений трудятся 67 врачей, 195 медицинских сестер, специалистов своего дела.

Несомненно, в столь успешном функционировании этого медуч-

реждения немаловажна роль главного врача. В течении 12 последних лет работу больницы возглавляет врач Александр Петровна Прохорова. Своими золотыми руками и добрым словом она вылечила многих больных. Во главе с Александрой Петровной весь коллектив больницы ГАОК «Ўзбекистон темир йўллари», не покла-

дая рук трудится для сохранения здоровья всех пациентов.

В оснащенной современным медицинским оборудованием больнице созданы все необходимые условия для получения квалифицированной медицинской помощи.

Пользуясь случаем, хотелось бы поблагодарить весь персонал больницы, в частности, врачей-кардиологов Л. Галушова, невролога Е. Шевченко, гинеколога Ф. Хабиеву, заведующую отделе-

нием функциональной диагностики И. Ташкову, акулисту Г. Мелкадзе, врача-эндоскописта Т. Самандарова, врача-реаниматолога А. Насырова, хирурга А. Отахонова и конечно же, руководство медицинской службы Акционерной компании «Ўзбекистон темир йўллари».

Благодаря труду и поддержке этих добрых людей я поправил свое здоровье, а это самое ценное богатство.

Лариса БОРТКОВСКАЯ.

Мавзуга қайтиб

ТИББИЁТ ДЕОНТОЛОГИЯСИ ЛАВҲАЛАРИ

Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қалбу тан
Ўзгалар дилини қилади равшан.

А. ЖОМИЙ.

Тиббиёт деонтологияси латинча «deon» – зарур, лозим бўлган нарс ва «logos» – таълим, тиббиёт ходимининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, шифокорлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий-мафкуравий дастуриламалдир.

Президентимиз айтганидек: «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. Маънавият инсонга ҳаёдек, сувдек зарур. Халқнинг теран маънавиятисиз, гурурисиз, юксак маданиятисиз буёқ давлат куриб бўлмайди».

«Деонтология» тушунчаси кишининг ҳулиқ, одоби ҳақидаги фанни ифодалаш учун XVI асрнинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Бенгтон томонидан таомилга киритилган эди. Бу атама жорий қилинмасдан анча илгари тиббиёт ходимининг одоб қоидаларини тартибга солиб турувчи асосий

биёт ходимлари билан муносабатли;

- шифокор ва беморнинг даволаш жараёнидаги ҳуқуқлари;
- шифокорлик сирларини сақлаш маданияти;
- устоз ва шогирд муносабатлари;
- шифокор фаолиятидаги ҳатомчилик ва бошқалар.

Деонтология қонун-қоидаларининг тиббиёт амалиётида тўғри жорий қилиниши тиббиёт ходимининг онги, савияси, дунёқарashi, билим мезони ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан ҳамбарчас боғлангандир. Кишилиқ жамияти тараққиётининг турли босқичларида шифокор, ҳамшираларнинг беморлар билан деонтологик муносабатлари турли кечган. У замон талабига қараб ўзгариб борган.

Шифокор деонтологияси ҳамшира билан бемор ўртасидаги муносабатни ҳам ўз ичига олади. Ҳамширанинг бутун билими, бурчи, одоби, хатти-ҳаракати беморда

